

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридаги
Интеллектуал мулк
аентлиги директори

 **Т. Абдуллаев**

2020 йил “___” август

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

 **А. Рахматов**

2020 йил “26” август

**ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АСОСЛАРИ
ФАНИ БҮЙИЧА**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Мутахассислик: Патент вакиллари

Дастур тури: Патент вакилларини қайта тайёрлаш бўйича қўшимча дастур

Тошкент 2020

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 июнь куни тасдиқланган “Патент вакили” мутахассислиги бўйича Ўқув режага асосан фан номи ва ҳажми белгиланган.

Фан дастури Юристлар малакасини ошириши маркази Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил 25 августдаги йигилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (2-сонли баённома).

Фан дастури Юристлар малакасини ошириш марказида, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил “24” январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Х. Одилқориев – Давлат ва жамият қурилиши кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор;

Б. Ахроров – Давлат ва жамият қурилиши кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Ш. Хасанов – Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи.

Такризчилар:

1. Халқаро ҳукуқ ва инсон ҳукукларик кафедраси мудири ю.ф.д.,
Л.А. Сайдова;

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра мудири, ю.ф.д., профессор И.Тультеев.

Фан дастури Давлат ва жамият қурилиши кафедраси йиғилишда кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил ____ июлдаги ____-сонли баённома).

ЎҚУВ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИДАГИ ЎРНИ

Ушбу фан Давлат ҳақида умумий таълимот, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда давлат ва жамият қурилишида турли ислоҳотлар; Давлат ва жамият қурилишида Ҳаракатлар стратегияси, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари; Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият; Ўзбекистонда норма ижодкорлигини такомиллаштириш; Ўзбекистонда оила ва маҳалланини мустаҳкамлашга доир ҳуқуқий сиёсат каби масалаларни қамраб олади.

“Давлат ва жамият қурилиши асослари” фани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 июнь куни тасдиқланган “Патент вакили” мутахассислиги бўйича Ўқув режанинг умумтайёргарлик фанлари блокига киритилган фан бўлиб, патент вакили сифатида фаолиятни амалга ошириш истагини билдирган жисмоний шахс – патент вакиллигига номзодларга (кейинги ўринларда –номзод деб юритилади) ўқитилади.

ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ;

Фанни ўқитишдан **мақсад** – номзодларга давлат ва фуқаролик жамияти умумий таълимот, давлат ва жамият қурилишида турли ислоҳотлар; фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари; Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият; Ўзбекистонда норма ижодкорлигини такомиллаштириш; Ўзбекистонда оила ва маҳалланини мустаҳкамлашга доир ҳуқуқий сиёсат бўйича асосий билимларни ўргатишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан номзодларнинг назарий билимлар, амалий кўникмалалар, давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича номзодларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади.

Номзод:

– давлат ҳақида умумий таълимот, фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ва жамият қурилишида турли ислоҳотлар тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

– фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– номзод жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият; Ўзбекистонда норма ижодкорлигини такомиллаштириш; Ўзбекистонда оила ва маҳалланини

мустаҳкамлашга доир хуқуқий сиёсат, соҳадаги муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг хажми: фанни ўрганиш учун 60 соат, шундан: маъруза учун – 32 соат ва семинар учун – 28 соат ажратилган.

**“Давлат ва жамият қурилиши асослари” фанидан
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ**

№	Машғулотларнинг мавзуси	Жами үкув соатлари	Шу жумладан,		
			Маъруза	Семинар	Амалий машғулот
1.	Давлат ҳақида умумий таълимот: тушунчаси, моҳияти, аппарати ва функциялари	2	2	-	-
2.	Ўзбекистонда хуқукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асослари	4	2	2	-
3.	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари	4	2	2	-
4.	Давлат ва жамият қурилишида конституциявий ислоҳотлар	4	2	2	-
5.	Давлат ва жамият қурилишида суд-хуқук ислоҳотларининг мазмуни ва асосий йўналишлари	4	2	2	-
6.	Давлат ва жамият қурилишида Ҳаракатлар стратегияси ва маъмурий ислоҳотлар	4	2	2	-
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатаси – фуқаролик жамияти институтлари ташаббускорлиги ва фаоллигини оширишнинг муҳим институти	2	2	-	-
	Оралиқ назорат	2	-	2	-
8.	Давлат ва жамият қурилишида Конституция ва қонунлар устуворлиги	4	2	2	-
9.	Жамиятда хуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, хуқуқий тарғибот ва хуқуқий ахборот тарқатиш	4	2	2	-
10.	Давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигининг хуқуқий механизmlари	6	4	2	-
11.	Норматив-хуқуқий хужжатлар: моҳияти, тизими ва турлари	4	2	2	-
12.	Ўзбекистонда норма ижодкорлигини такомиллаштириш муаммолари	4	2	2	-
13.	Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга доир хуқуқий сиёсат	4	4	-	-
14.	Давлат ва жамият қурилишида маҳалланинг ўрни	4	2	2	-
	Якуний назорат	4	-	4	-
		ЖАМИ	60	32	28

АСОСИЙ НАЗАРИЙ ҚИСМ (МАЪРУЗА МАШГУЛОТЛАРИ)

1-Мавзу. Давлат ҳақида умумий таълимот: тушунчаси, моҳияти, аппарати ва функциялари

Давлат феномени ва уни тушуниш муаммолари. Оммавий-сиёсий хокимият хусусиятлари. Давлатнинг социологик концепцияси Давлатнинг легистик концепцияси. Давлатнинг либертар концепцияси. Давлатнинг субстанциявий, ҳудудий ва институциявий элементлари. Ўзбекистон давлатининг демократик табиати.

2-Мавзу. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асослари

Қонун устуворлиги - ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият қуришнинг асоси. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш – демократик жамият қуриш омили. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмалари. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигига демократик тамойилларга асосланиши.

3-Мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари

Фуқаролик жамиятининг тушунчаси, мазмун ва моҳияти. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва уларнинг ташаббускорлигини ошириш йўллари. Фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ижтимоий шериклигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизmlари. Фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббускорлигини ошириш муаммолари. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини демоқратлаштириш масалалари.

4-Мавзу. Давлат ва жамият қурилишида конституциявий ислоҳотлар

Мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий-ҳуқуқий сиёsat ва конституциявий ислоҳотлар мазмун моҳияти. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини модернизация қилишнинг конституциявий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасида адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини рӯёбга чиқаришга оид конституциявий механизmlар такомиллаштирилаётганлиги динамикаси. Суд ҳокимияти тизимини такомиллаштириш; иқтисодий ва маъмурий судлар жорий этилишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.

5-Мавзу. Давлат ва жамият қурилишида суд-хуқуқ ислоҳотларининг мазмуни ва асосий йўналишлари

Харакатлар стратегиясида белгилаб берилган суд-хуқуқ соҳасидаги навбатдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг маъно-мазмунини очиш. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш масалалари. Ўзбекистон Республикаси суд тизимидағи ўзгаришлар. Судяликка номзодларни танлаш ва судьялар лавозимларига тайинлаш тизими. Судьялар Олий Кенгашининг ташкил этилишининг хуқуқий асослари. Судьялар Олий мактабининг судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришдаги роли

6-Мавзу. Давлат ва жамият қурилишида Харакатлар стратегияси ва маъмурий ислоҳотлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг мазмуни ва асосий йўналишлари. Давлат ва жамият қурилиши соҳасини модернизация қилишга қаратилган демократик ислоҳотларнинг натижалари, тенденциялари ва динамикаси. Давлат бошқарувининг инновацион шакллари. Ўзбекистон Республикасида маъмурий илоҳотлар Концепциясининг мазмуни, тузилиши, асосий йўналишлари ҳамда белгиланган вазифалар. Маъмурий илоҳотларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар.

7-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатаси – фуқаролик жамияти институтлари ташаббускорлиги ва фаоллигини оширишнинг муҳим институти

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янгиликлар. Давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштиришга оид қонунчилик базаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида ташкил этилган Республика Жамоатчилик палатаси ва унинг худудий палаталарининг хуқуқий мақоми ва асосий вазифалари. Жамоатчилик палатаси ва унинг фаолияти асосий йўналишлари. Фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги. Улар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш муаммолари. Жамоатчилик палатасининг фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини рӯёбга чиқаришда амалга оширадиган фаолияти самарасини ошириш йўллари.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ

Ўкув дастурининг 1-7 – мавзулари бўйича тест шаклидаги оралиқ назоратларни ўтказиш ва баҳолаш, бу турдаги оралиқ назоратни ўтказиш бўйича методик материаллар асосида амалга оширилади.

8-Мавзу. Давлат ва жамият қурилишида Конституция ва қонунлар устуворлиги

Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида қонунлар устуворлиги ва ижросини таъминлашнинг муҳимлиги. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг моҳияти, мазмuni ва принциплари. Қонунларнинг самарали ижро этилишига таъсир ўтказаётган салбий омиллар ва бу борадаги муаммолар. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ички механизmlари қонунларнинг сифатини ошириш муаммолари. Қонунлар устуворлигини таъминлашнинг юридик, ижтимоий, маънавий-руҳий ҳамда социологик механизmlарининг тавсифи ҳамда амалга ошириш хусусиятлари.

9-Мавзу. Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, хуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий ахборот тарқатиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонининг аҳамияти. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси”, унинг мақсади, вазифалари ва асосий йўналишлари тавсифи. Давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг профессионал ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиш тизимини такомиллаштириш йўллари. Жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион шакл ва усусларини жорий этиш.

10-Мавзу. Давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигининг хуқуқий механизmlари

Давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлиги институтининг аҳамияти, тушунчаси ва моҳияти. Давлат-хусусий шериклиги – ҳозирги шароитда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг замонавий шакли. Давлат-хусусий шериклигининг асосий принциплари, уни расмийлаштиришнинг қонунчилик асослари. Давлат-хусусий шериклиги субъектларининг ҳуқуқий мақоми, масъулияти ва жавобгарлиги, улар ҳуқуқларининг кафолатлари.

11-Мавз. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар: моҳияти, тизими ва турлари

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тушунчаси ва турлари: қонун, фармон, ва қарорларнинг, шунингдек локал нормаларнинг юридик кучи бўйича мутаносиблиги. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти. Юридик техника ва уни амалга ошириш усуллари. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, мутахассислар ва жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш, манфаатдор идоралар билан келишиш амалиёти. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, ижросини ташкил этиш ва расмий шарҳлаш. Давлат органларининг қонун ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш масалалари. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификация қилиш масалалалари.

12-Мавзу. Ўзбекистонда норма ижодкорлигини такомиллаштириш муаммолари

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг (2018 йил 8 август) мазмуни, моҳияти, тизими ва устувор йўналишлари. Норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш. Қонунларнинг сифатини ошириш омиллари, қонунчилик ташабbusи хуқуки субъектларининг масъулиятини ва ташабbusкорлигини ошириш йўллари. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилган миллий базасини шакллантириш. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг услубиёти. Норма ижодкорлигига “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш. Суд-хуқук соҳасидаги фаолиятни хуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни амалиётда қўллашнинг хусусиятлари.

13-Мавзу. Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга доир хуқуқий сиёsat

Оилани мустаҳкамлашга доир хуқуқий сиёsatнинг устуворлиги. Оилани мустаҳкамлашнинг хуқуқий ахамияти ва миллий хусусиятлари. Оилани мустаҳкамлашга доир давлатнинг хуқуқий сиёsat. Оилани мустаҳкамлаш устувор йўналишлари. Оила соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллаштириш масалалари. Оила муносабатларини таъминлашда Оила кодекси. Оила хуқуқларини таъминлашда алимент ва унинг хуқуқий асослари. Оила муносабатларида болани фарзандликка олиш.

14-Мавзу. Давлат ва жамият қурилишида маҳалланинг ўрни

Маҳалла – жамиятнинг муҳим ва ажralmas бўғини. Маҳалла ва оила. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

Семинар машғулотлари учун қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Давлат феномени ва уни тушуниш муаммолари.
2. Оммавий-сиёсий ҳокимият хусусиятлари. Ўзбекистон давлатининг демократик табиати.
3. Конун устуворлиги - хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият куришнинг асоси.
4. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигинп таъминлаш — демократик жамият куриш омили.
5. Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмалари.
6. Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари.
7. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигига демократик тамойилларга асосланиши
8. Фуқаролик жамиятининг тушунчаси, мазмун ва моҳияти.
9. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва уларнинг ташаббускорлигини ошириш йўллари.
10. Фуқаролик жамиятида инсон хуқуқларини таъминлаш муаммолари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббускорлигини ошириш муаммолари.
11. Мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий-хуқуқий сиёsat ва конституциявий ислоҳотлар мазмун моҳияти.
12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини модернизация қилишнинг конституциявий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш.
13. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган суд-хуқук соҳасидаги навбатдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмuni ва асосий йўналишлари.

15. Давлат ва жамият курилиши соҳасини модернизация қилишга қаратилган демократик ислоҳотларнинг натижалари, тенденциялари ва динамикаси.

16. Давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш.

17. Ўзбекистон Республикасида маъмурий илоҳотлар Концепциясининг мазмуни, тузилиши, асосий йўналишлари ҳамда белгиланган вазифалар. Маъмурий илоҳотларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ташкил этилган Республика Жамоатчилик палатаси ва унинг худудий палаталарининг ҳуқукий мақоми ва асосий вазифалари.

19. Фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги.

20. Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида конунлар устуворлиги ва ижросини таъминлашнинг муҳимлиги.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқукий онг ва ҳуқукий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонининг аҳамияти.

22. Давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг профессионал ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари.

23. Аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиш тизимини такомиллаштириш йўллари.

24. Жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион шакл ва усулларини жорий этиш

25. Давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлиги институтининг аҳамияти, тушунчаси ва моҳияти.

26. Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг тушунчаси ва турлари: қонун, фармон, ва қарорларнинг, шунингдек локал нормаларнинг юридик кучи бўйича мутаносиблиги.

27. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

28. Юридик техника ва уни амалга ошириш усуллари.

29. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, мутахассислар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўtkазиш, манфаатдор идоралар билан келишиш амалиёти.

30. Норматив-ҳуқуқий хужжатларни қабул, қилиш, эълон қилиш, ижросини ташкил этиш ва расмий шарҳлаш.

31. Норматив-ҳуқуқий хужжатларни тизимлаштириш ва кодификация қилиш масалалалари

32. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг (2018 йил 8 август) мазмуни, моҳияти, тизими ва устувор йўналишлари.

33. Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг услубиёти.

34. Оилани мустаҳкамлашнинг хуқуқий аҳамияти ва миллий хусусиятлари.

35. Оилани мустаҳкамлашга доир давлатнинг хуқуқий сиёсат.

36. Оилани мустаҳкамлаш устувор йўналишлари.

37. Маҳалла – жамиятнинг муҳим ва ажралмас бўғини.

38. Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги.

Семинарлар тренинг шаклда, фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАР

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Давлат ҳақида умумий таълимот: тушунчаси, моҳияти, аппарати ва функциялари.

2. Ўзбекистонда хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асослари.

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари.

4. Давлат ва жамият қурилишида конституциявий ислоҳотлар.

5. Давлат ва жамият қурилишида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмуни ва асосий йўналишлари.

6. Давлат ва жамият қурилишида Ҳаракатлар стратегияси ва маъмурий ислоҳотлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси – фуқаролик жамияти институтлари ташаббускорлиги ва фаоллигини оширишнинг муҳим институти.

8. Давлат ва жамият қурилишида Конституция ва қонунлар устуворлиги.

9. Жамиятда хуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, хуқуқий тарғибот ва хуқуқий ахборот тарқатиш.

10. Давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигининг хуқуқий механизmlари.

11. Норматив-хуқуқий хужжатлар: моҳияти, тизими ва турлари.

12. Ўзбекистонда норма ижодкорлигини такомиллаштириш муаммолари.

13. Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга доир хуқуқий сиёсат.

14. Давлат ва жамият қурилишида маҳалланинг ўрни.

ЎҚУВ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИ

(Ўқув режасида кўзда тутилмаган)

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН йҚУВ ВА йҚУВ-МЕТОДИК МАТЕРИАЛЛАР

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-йқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув материаллари:

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультидемия материаллари (слайдлар, презентациялар ва х.к.).

Ўқув материаллари Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.

Ўқув-методик материаллар:

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масоғавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва х.к.).

Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминот:

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;

“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xlsx”, “mp3” ва бошқа х.к. форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;

мультидемия қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ

Ўқув дастурининг барча мавзулари бўйича сухбат (ёзма иш) шаклидаги якуний назоратларни ўтказиш ва баҳолаш, “Давлат ва жамият асослари” фанидан якуний синовларни (синов ва сухбат қабул килиш) ўтказиш методикаси ва уларни қабул килиш учун топшириқ ва саволларни назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар асосида амалга оширилади.

АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА йҚУВ АДАБИЁТЛАР ҲАМДА АХБОРОТ МАНБААЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги · бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 янв.

Норматив-хуқуқий хужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги “Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг 2017 йил 28 августдаги “Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Биринчи қисм. – Т.: Адолат, 2015.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1998, №5-6, 97-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

Махсус адабиётлар:

Одилқориев Х. Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг хуқуқий жаҳатлари. Ўқув қўлланма. 2020 – 362б.

Ахраров Б. Ўзбекистон қонунчилигига юридик шахсларнинг фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги //Юрист ахборотномаси, – Т., №3, 2019, – Б.72-76.

Ахраров Б. Ўзбекистон қонунларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик масалалари // ТДҶОУ Юридик фанлар Ахборономаси. 2019/04. – Б.77-82.

Ахаров Б. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида яшаш ҳуқуқи //ТДЮУ “Интелектуал мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2020, – Б.310-321.

Ахаров Б. Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар жавобгарлигининг айрим жиҳатлари. //Одил судлов. 2020 й. №5. – Б.35-41.

Одилқориев Х. Суд – ҳуқук тизимини янада демократлаштириш: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари // ТДЮУ Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили журнали, 2020 №1, – Б.3-10.

Одилқориев Х. Конституциямизда ижтимоий давлатчилик белгилари //ИИВ Академияси “Ахборотномаси”, 2019, №4, – Б.100-107.

Одилқориев Х. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва дахлсизлиги – фуқаролар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш кафолати // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси “Ахборотномаси”, 2020, №1, – Б.6-11.

Одилқориев Х. Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий давлатчиликнинг конституциявий тавсифи //Миллий гвардия ҳарбий-техника институти Ахборотномаси, 2019, №4, – Б.42-49.

Одилқориев Х. Ҳукукий онг ва ҳукукий маданият //Одиллик мезони, 2020, №1, – Б.24-27.

Одилқориев Х. Конституция-ҳалқимиз битган ноёб асар, ҳаёт ҳикматлари китоби //Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-инсон ҳуқук ва эркинликларининг кафолати, Х.Одилқориев, 2019, – НамДУ, Илмий тўплам, – Б.3-13.

Одилқориев Х. Суд – ҳуқук тизимини янада демократлаштириш: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари // ТДЮУ Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили журнали, 2020. №1, – Б.3-10.

Отахонов Ф. Юридик хизматнинг назарий-ҳукукий муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази. – Т., 2019 й.

Отахонов Ф. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография. Т., Адолат, 2007. – 279 б.

Турсунов Й. Мехнат ҳукуқи. Дарслик. Т.: Молия, 2002. – 279 б.

Усманова М.А., Турсунов Й. Мехнат ҳукуқи. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 223 б.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига шархлар. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 985 б.